

Бу диёрдан кет!



08:02 / 16.05.2020 2252

Абу Ҳабиб айтади: «Бир киши Ҳасаннинг олдига келиб, «Эй Абу Саъид, кам овқат есам, очиқяпман. Кўпроқ есам, бўкиб қоляпман», деди. Ҳасан унга: «Бу диёр сенга тўғри келмаяпти экан. Бошқа диёрга бор!» деди».

Изоҳ: Ҳар бир диёрнинг ўзига хос иқлими бор. Эҳтимол, бу кишининг табиатига бу диёрнинг иқлими тўғри келмагани учун Ҳасан Басрий ортиқча бошқа сўзларга киришмасдан, бор гапни шундай айтаётган бўлсалар ажаб эмас. Балки бу жавоблари билан у кишини сергак торттириб, «Бундан бошқа сўрайдиган гапинг йўқми?» қабилида жавоб берган бўлишлари мумкин.

Муҳаммад ибн Абу Ҳаворийдан ривоят қилинади: «Али ибн Фузайл отасига: «Отажон, саҳобаларнинг сўзлари нақадар жозибали-а?» деди. Отаси: «Нима учун шундай эканини биласанми, ўғлим?» деди. У: «Йўқ», деган эди,

отаси: «Чунки саҳобалар сўзлари билан ҳам Аллоҳ таолонинг розилигини
исташган», деди».

«Солиҳлар гулшани» китобидан